



ЎЗБЕК ИСМЛАРИНИНГ ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИДАГИ ТАЛҚИНИ

Раҳматуллаев Шарофиддин Нёматуллаевич

БухДУ доценти.

Аннотация: мақолада ўзбек халқ эртакларининг бошқа миллат халқ оғзаки ижоди сингари ўзининг бой ифода материалига эга эканлиги мисоллар асосида ёритилган. Ўзбек халқ эртакларидаги антропонимларга хос хусусиятлар таҳлил этилган. Уларнинг таркибида қўшимчаларнинг одатий ва ноодатий ифодалаган маъно нозикликлари хусусида фикр билдирилган. Улардаги лексик-семантик хусусиятларнинг жонли мулоқотдаги жиҳатлари мисоллар асосида ўрганилган. Ўзбек эртаклари антропонимлари тизими частотаси ҳақида маълумот берилган.

Аннотация: В статье показано, что узбекские народные сказки, как и фольклор других народов, имеют свой богатый выразительный материал. Анализируются особенности антропонимов в узбекских народных сказках. Они выражают мнение о тонкостях смысла, выраженных дополнениями, обычным и необычным способом. На примерах изучены аспекты лексико-семантических особенностей в них в живом общении. Дана информация о повторяемости системы антропонимов узбекских сказок.

Annotation: The article illustrates the fact that Uzbek folk tales, like the folklore of other nations, have their own rich material of expression. The peculiarities of anthroponyms in Uzbek folk tales are analyzed. They express an opinion on the subtleties of meaning expressed by the usual and unusual of suffixes. The aspects of lexical-semantic features in them in live communication have been studied on the basis of examples. Information on the frequency of the system of anthroponyms of Uzbek fairy tales is given.

Калит сўзлар: Эртақ, халқ эртаги, антропоним, исм, частота, жонли мулоқот, қўшимча, аффе́кс, лексик-семантик хусусият, антропоним маъноси.

Ключевые слова: Сказка, народная сказка, антропоним, существительное, частота, живое общение, сложение, аффе́кт, лексико-семантический признак, значение антропонима.

Keywords: Fairy tale, folk tale, anthroponym, noun, frequency, live communication, addition, affect, lexical-semantic feature, anthroponym meaning.

Ҳозирги кунда ўзбек тилшунослигида антропоним тадқиқи бағишланган кўплаб илмий ишлар дунёга келмоқда. Ўзбек антропоними бағишланган илк тадқиқотларни Э.Бегматов ва С. Қораевларнинг илмий изланишларида кўришимиз мумкин. Ўзбек антропонимларини ўрганишга оид илк мулоҳазаларни Э.Бегматов бошлаб берган бўлса, ундан сўнг Ғ.Сатторов, И.С.Раҳимов ва С.Кенжаева, И.Худойназаровларнинг илмий изланишларида ҳам бу соҳанинг тадқиқи давом эттирилди.

Ҳозирги кунда ўзбек ономастикаси, хусусан, антропоним мавзусида олиб борилаётган изланишлар натижасида, ўзбек тили тараққиётининг бугунги босқичида ўзбек антропонимлари тадқиқида анчагина масалалар ўз ечимини топмоқда.

Антропонимларнинг таркиби, ундаги қўшимсаларнинг вазифаси, услубияти ҳақида А.Ҳожиев, Р.Қўнғуров, А.Ғуломов, М.Миртожиев, А.Нурмоновларнинг кузатишларида ҳам учрайди [3, 36-38; 5]. Ушбу изланишлар ўзбек антропонимларининг тил бириги сифатидаги табиатига бўлган муносабатни ойдинлаштиради. Бинобарин, бу соҳада ҳам тадқиқотлар қўламининг кенгайишига олиб келади.

Ўзбек эртақларининг антропонимлари таркибидаги грамматик воситаларнинг вазифавий хусусиятлари ҳақида фикр юритишдан олдин, А.В.Чичериннинг қуйидаги фикрини ёдга оламиз: “Грамматик категориянинг ўзи эмас, балки унинг поэтик қўлланиши аҳамиятлидир”. “...гап Лев Толстойнинг равишдошни кўп ёки кам ишлатишида эмас, балки унинг текстида сўзлар қандай стилистик бўёқ касб эта олишида” [4, 94-96].

Ўзбек эртақлари антропонимларининг таркиби турли маъно нозикликларини юзага чиқарувчи аффиксларга бойдир. Жумладан, “Ўзбек халқ эртақлари”нинг биринчи томида келтирилган “Орзижон билан Қамбаржон” эртагида Қамбаржон (ўғил бола исми), Орзижон (қиз бола исми), антропонимларида –жон қўшимчаси эркалаш маъносини ифодалаган.

А.Ғуломовнинг фикрича: “-жон аффикси кўпинча атоқли отларга қўшилади. Бундай вақтда кўпинча у ўз маъносини йўқотади ва атоқли отларнинг ажратувчи белгисига айланади” [2, 23].

Ҳақиқатдан ҳам бу қўшимчанинг қўлланилиш қўлами анча кенг. Тилшуносликда –жон қўшимчаси –ой қўшимчаси билан қиёсланса –жон қўшимчаси эркак жинсини англатувчи қўшимча сифатидаги маъноси ойдинлашади. Бошқа вазиятларда эса ҳар иккала жинс вакиллари номига қўшилиб қўлланилаверади.

“Ўзбек халқ эртақлари” китобнинг иккинчи томига киритилган “Соҳибжон билан Аҳмаджон” (186-бет), эртагида Соҳибжон ва Аҳмаджон, “Эркажон” (224-бет), эртагида эса Эркажон антропоними, Китобнинг учинчи томида келтирилган “Беш жонлини бежон қилган Баҳодир” (357-бет), эртагида Раҳимжон, “Дод” 362-бет, эртагида эса Комилжон, “Лукмони ҳаким” (266-бет), эртагида Тойиржон антропонимлари таркибида ҳам –жон аффикси эркалаш маъносини ифодалаб, асос+жон шаклида қўлланилмоқда.

Ўзбек халқ эртақларининг биринчи томида келтирилган “Қарға билан кўзи” (29-бет) эртагида Пўлатвой, “Нўхатвой” (282 бет) эртагида Тошвой антропонимлари таркибидаги –вой қўшимчаси модал маъно ифодалаб, эркалаш, улуғлаш, баҳо бериш каби маъноларни ифодаламоқда.

Бу қўшимча тарихан –бой қўшимчасининг фонетик ўзгаришга учраган варианты бўлиб, худди у каби маъно нозикликларини ифодалайди.

Китобнинг шу томида келтирилган “Қарға билан кўзи” (29-бет) эртагида Устабой кулол, “Орзижон билан Қамбаржон” (164-бет) эртагида Аршинбой (ўғил бола исми), “Воспирохун” (191-бет) эртагида Эрайимбой, “Савдогар билан

подачи” (305-бет) эртагида Қиркинбой, “Эгрибой ва Тўғрибой” (337-бет) эртагида Тўғрибой ва Эгрибой антропонимлари, шу китобнинг иккинчи тоmidан ўрин олган “Беш қиз” (5-бет) эртагида Ғуломбой, “Тўқлибой” (264-бет) эртагида Тўйдибой, “Сунбул билан Гул” (323-бет) эртагида Собирбой, “Қуёш ерининг паҳлавони” (342-бет) эртагида Ҳалимбой, “Қулоққа ўхшаб тўғилган” (19-бет) эртагида Қулоқбой, “Ҳунарли йигит” (90-бет) эртагида Маматбой, “Каримбой билан хизматчи” (107-бет) эртагида Каримбой, “Ҳотам” (295-бет) эртагида: Додабой, Жалолбой, Нишонбой, “Тўлғаной” (341-бет) эртагида Пардавой, “Икки табиб” (347-бет) эртагида Юсуфбой, “Тўққиз дангаса” (369-бет) эртагида Салимбой сутхўр каби антропонимлар таркиби асос+бой шаклидаги тартибда шаклланган. Улар орқали эртак қаҳромонларига нисбатан модал маънодаги эркалаш маъноси ифодаланмоқда.

Р.Қўнғуров “Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари” китобида “Субъектив баҳо билдирувчи бу группа аффиксларни эркаклик жинсини билдирадиган ёки шунга аълоқадор сўзларга қўшиладиган (-бой, -жон, -бек, -қул) ва аёл жинсига оид сўзларга қўшиладиган (-хон, -ой, гул, -бону, -бека, -бекач, -биби, -нисо) формалар деб икки катта группага ажратилади. Аммо улар ўртасида маълум алоқа мавжуд. Уларнинг айримлари баъзан ўрни билан эркакларни ҳам, аёлларни ҳам кўрсатадиган сўзларга қўшила олади” [7, 117].

Юқоридаги фикрга қўшилган ҳолда –бой қўшимчасида жинс муносабати фарқланади. Аниқроғи, доим эркак жинсини билдирувчи атоқли отларга қўшилади. Аслида –бой қўшимчаси, худди –жон қўшимчаси сингари, инсонлар ўртасидаги муомала маданиятида ловозим ва унвонга эга бўлган одамларга нисбатан нутқда қўлланилади. Қолаверса, уларнинг жамиятдаги ижтимоий даражаси билан боғлиқ бўлган фарқларни ҳам кўрсатади. Асл ҳолатда эса бола туғилганда унинг номига қўшиб номланган –бой қўшимчасида эркалаш маъноси етакчилик қилади. Юқорида айтганимиздек, бошқа ўринларда инсонларнинг бирор мақсади йўлидаги нутқий воқеланишдир. Бундай ҳолларда эркалаш муносабати акс этмайди. Шу хусусияти билан –бой қўшимчаси нутқда қўлланилиш вазифасига кўра шаклдошлик маъноси ҳам юзага чиқади. Масалан: “Қарға билан қўзи” (29-бет) эртагида Устабой кулол кулолга нисбатан шундай акс этади. Бунда моҳиятан уста ва кулол ликсемалари шахс оти. Халқимизда уста ёки кулол деб ном қўйиш урф эмас. Шундай экан бу ерда Устабой кулол касб-кори нуктаи назаридан номланаяпти.

Ўзбек халқ эртакларининг биринчи томида келтирилган “Орзижон билан Қамбаржон” (164-бет), эртагида Қамбаржон (ўғил бола исми), Орзижон, шу китобнинг иккинчи тоmidан ўрин олган “Эркажон” (224-бет), эртагида Эркажон, Расулжон каби антропонимларнинг таркиби асос+жон шаклида жойлашган. А.Ғуломов бу қўшимча ҳақида шундай ёзади: “-жон аффикси кўпинча атоқли отларга қўшилади. Бундай вақтда кўпинча у ўз маъносини йўқотади ва атоқли отларнинг ажратувчи белгисига айланади” [2, 23].

Демак, -жон қўшимчаси одатда эркак жинсига мансуб кишиларга қўшилиб, уларга нисбатан эркалаш маъносини ифодалайди. Аммо ўзбек эртакларида баъзан аёл жинсига мансуб кишиларга эркалаб чақиритиш мақсадида унинг номига

–жон қўшимчаси қўшиб номланганлигини кўришимиз мумкин. Масалан: “Орзижон билан Қамбаржон” (164-бет), эртагида Орзижон номи аёл кишининг номидир.

Демак, халқимизда аёл кишига нисбатан ҳам –жон қўшимчасини қўллаш ҳоллари учрар экан. Шунингдек, юқоридаги ўзбек эртаги антропонимларида –жон қўшимчаси эркалаш маъноси билан бирга, эртактаги антропонимлар тизимидаги воқеалар занжири асосида турувчи номларни ажратиб кўрсатиш учун ҳам қўлланилади. Масалан: “Эркажон” эртагида Эркажон қаҳромонига нисбатан эркалаш муносабати ифодаланган бўлса, “Орзижон билан Қамбаржон” эртагида Орзижон ва Қамбаржон номларида эркалаш ва ажралиб туриш туриш маънолари англашилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, халқ эртаклари матнида қўлланган антропонимлар ўзига хос ижтимоий-маънавий, лисоний-маданий вазифаларни бажаришга хизмат қилади. Халқ эртакларида учрайдиган турли маъновий хусусиятли антропонимлар эртақ мазмуни билан боғлиқ бўлган мақсадларни амалга ошириш йўлида ўзига хос лингвомаданий ҳолатларни аниқлаштиришга қаратилган бўлади.

Эртақларда антропонимлар частотасининг даражаси унинг ҳаётдаги ижтимоий масалаларнинг қамровига боғлиқлиги билан ойдинлашади. Шу билан бирга, антропонимлар қаҳрамонларнинг саргузаштлари, руҳий кечинмалари ҳамда халқнинг маиший ҳаёти, ўтмиши ҳамда бошқа қирраларини ёритиб беришда муҳим омил бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бегматов Э. Ўзбек исмлари изоҳи. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. –Тошкент, 2016. –Б.49.
2. Г у л я м о в А. Проблемы исторического словообразования узбекского языка. Автореф.диссер.докт.наук. –Ташкент, 1955. –С.23.
3. Нурмонов А., Махмудов Н. Ўзбек тили сўз ясалишига бир назар // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1987. -№3. –Б.36-38.
4. Чичерин А. В. Заметки о стилистической роли грамматических форм//в сб. «Слово и образ». –Москва, 1964. –С. 94-96.
5. Ўзбек тили грамматикаси. 2 томлик. 1-том. –Тошкент, Фан, 1975.
6. O‘zbek xalq ertaklari. 3 jildlik. –Toshkent, “O‘qituvchi” nasgriyot-matbaa ijodiy uyi. 2007. 1-jild 383 b.; 2-jild 384 b.; 3-jild 381 b.
7. Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. –Тошкент, Фан, 1989. –Б.117; 131-132.
8. Қўнғуров Р. Сўз ясовчи ва форма ясовчи аффикслар// Ўзбек тили морфем луғати. –Тошкент, 1977. –Б.411.
9. Ҳожиев А. Ўзбек тилида сўз ясалиши. Олий ўқув юртлари талабалари учун қўлланма. –Тошкент, 1989. - 102 б.